

Бир пайтлари шундай бўлганмиз



12:00 / 19.03.2021 3690

Ҳар бир мўмин мусулмон банда ҳазир бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан яна бири кибр ва манманликдир. Кибр жуда ёмон, қабиҳ иллатдир. Кибр ва манманлик бир-бирига яқин ва ўхшаш салбий сифатлардир.

«Кибр», «такаббур», «кибриё» сўзлари луғатда катталиқ маъносини билдиради ва ўзини бошқалардан катта, устун ва афзал ҳисоблаш сифатига эга шахсга нисбатан ишлатилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сифатни: **«Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир»**, деб таърифлаганлар.

Кибрнинг турлари:

1. Аллоҳ таолога кибр қилиш.

Бу энг ёмон кибрдир. Бу Фиръавн ва Намруднинг кибрига ўхшаш, Аллоҳ таолога банда бўлишдан ўзини олиб қочишдир.

2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кибр қилиш.

Бу Макка кофирлари қилганга ўхшаб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўйсунилдан жоҳиллик ва саркашлиқ ила кибр қилишдан иборатдир.

3. Бандаларга кибр қилиш.

Бунда ўзини бошқалардан устун қўйиб, ўзгаларга ҳақорат назари билан қарашдан иборатдир.

Ҳаддидан ошган ва охири денгизга ғарқ этилган Фиръавн ҳам;

Жиноятларни амалга оширишда Фиръавнга маслаҳатчи бўлган вазири Ҳомон ҳам;

Бойлиги билан мақтаниб, ундан закот беришдан бош тортган, молу дунёни ўзим топганман деб керилиб, охири ерга юттирилган Қорун ҳам;

Ислон ва мусулмонларнинг ашаддий душманлари бўлган Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб кабилар ҳам;

Кўплаб аҳли илм, зиёлиларнинг қатл этилишига сабаб бўлган Сталин кабилар ҳам;

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан карикатура ва ҳақоратли сўзлари сабаб бизнинг нафратимизга учраётган Франция президентида тортиб, шу ишга алоқадор масъуллари ҳам;

Бирор мансабга ўтириб ёки пули кўпайиб, одамларни менсимайдиганлар ҳам;

Ота-онасига баланд овозда гап қайтариб, уларга дўқ қилаётганлар ҳам;

Уламоларга сакраётган, уларни турли сўзлар билан ҳақорат қилаётганлар ҳам онасининг қорнида «**Кафтдан ҳам кичик келадиган ушбу босқични босиб ўтган**»!

Инсон борки, барчаси шундай катталиқдаги ҳомила даврини бошдан ўтказган.

Бир пайтлари кафтга сиғадиган ҳажмда бўлган инсон нимасига кеккаяди?!

Кибр, манманлик, одамларни менсимаслик каби иллатлардан тийилайлик!

Айтгандек, болани олдириш болани ўлдиришдир!

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Islom.uz маълумотлари асосида Нозимжон

Ҳошимжон тайёрлади